

Үзгурмиш охиста деди: Хар сўзинг

Эшитдим, сўзим хам эшитгил ўзинг.

Окибатинг учун Худо бехато,

Баракаю эзгу ном этгай ато.

Била олмадим хеч бошка каломинг,

Пайсалга солмасдан айта кол коминг.

Ўгдулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Ўгдулмиш дер: Васлинг дилда дод бўлди,

Сени кўриб яна кўнглим чог бўлди.

Киши тилагида бўлса баркарор,

Машаккат нелигин билмагай зинхор.

Нелар дер, эшитгил, синаган окил,

Сўзин маъносин ук, калбингга жо кил:

Кай бир ишда бўлса орзу-умид ёр,

Шитобу шиддатни килгай ихтиёр.

Йирок хам якин хар орзуманд учун,

Бахтиёр айлагай ногох васли ёр.

Яна дер Үгдүүлмийш: Мен ушбу сүзим

Тилимдан дардингда күймасман ўзим.

Овул-кент тарк этдинг, якинларинг хам,

Ёру кадрдон йүк дардингга малхам.

Машаккат, захматинг фузундан-фузун,

Ялангочу очсан, хасратинг узун.

Кариндош-уруглар сенга кайгуар,

Юраги дардингда безовта урар.

Ожиздан хам ожиз хар ёлгиз инсон,

Үзинг ёлгиз хасрат чекарсан хамон.

Гам билан хотиржам ёта олмадим,

Аlam-кайгуга хеч бас келолмадим.

Факат сен учунми ибодат, азоб

Факат сен учунми минг бир изтироб?

Нечун бунча захмат чекарсан ўзинг,

Очигин айт, билай мен барча сўзинг.

Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

Ўзгурмиш жавобан деди: О, бу сўз

Маъкул, вале сен хам тингла, кора кўз.

Мөхрю муруватдан сүзинг нишона,

Кариндош - кариндош учун парвона.

Кариндош кайгусин емай кариндош,

Бегона сира хам бўлмас кўзу кош.

Кавму кариндошдан ўзим айрилиб,

Не учун турибман бу ёрга келиб?

Тоатим нуксонин англадим аён,

Каминага афзал кўринди бу ён.

Келдим бу ён излаб комил саодат,

Худога килай деб ёлгиз ибодат.

Дахри дун ишига бош күшган киши,

Хизмат килса колар охират иши.

Улус хизматидан токи узилмас,

Тоату ибодат тархи тузилмас.

Юз ўгириб хирсу нафс, кабохатдан,

Фарогат топилар сүнгра тоатдан.

Нөлар дер эшитгил, хар окил киши:

Хавас билан бўлмас бутун дин иши.

Хавасу нафс ганим каттадан-катта,

Мўминни хам йўлдан урар, албатта.

Хавасга ким бўйин берар, кул бўлар,

Тану жон рохати мени кул килар.

Хавасга бош берма, хар мўминга хос,

Тану жон орзусин билим билан бос.

Холис ният билан кишлок-кент колиб,

Сигиндим бу ерга огир юк олиб.

Улуссиз бу хилват сари зүр рагбат,

Бехуда гапириб, килмасман гийбат.

Кадрдон кардошим, ёлгиз дема хеч,

Худо фикру зикри хамрох эрта-кеч.

Кариндош-уругдан гарчи мен йирок,

Уларга зарарим тегмас хеч бирок.

Улус күнгли нозик, мушкул шод этиш,

Ногох күнгли колса, беомон ташвиш.

Улусга бүлмаса гар мэндан фойда,

Зиён хам күрмагай хеч ким хеч жойда.

Зиёну заруру яхшию ёмон,

Худо фармонида, сенга хам аён.

Арши альодан то зах замин каъри,

Умид билан такбир айтарлар бари.

Неки бор эл ичра, гар килсам баён,

Зиёну зарар, на сен учун аён.

Дэйсан: Не наф берар ибодат иши?

Бахт топар ибодат билан кул киши.

Кул оти кул учун, айлагай одат

Тогу тошлар ичра мудом ибодат.

Ижобат килса хам, килмаса хам бот,

Ибодатин тилга олмагай хеч зот.

Якка-ёлгизликтан хеч бир зиён йүк,

Тану жон хирсидан халос, күнгим түк.

Ахли шеър сүзларин дастур килиб ол,

Сувратга бокма күп, сийратга син сол:

Окил бүлсанг агар ёлгиз яшагин,

Бөмбиннат ёлгизлик ошин ошагин.

Тоат килса зохид ёлгиз беармон,

Айт, бундан кимгадир етарми зиён.

Жамоат таърифин көлтирдинг, кардош,

Ёру дўст топ дединг мисли кўзу кош.

Сен келгандан буён токи ушбу кун,

Тоат-ибодатсиз холим танг бутун.

Биргина сен билан бўлганим учун,

Кўп зиён кўрдим мен, бу зугум нечун?

Улус билан бўлсам килиб хафсала,

Тоат-ибодатим - мушкул масала.

Ўгдулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Ўзгурмиш сўз олиб деди: Хар сўзинг

Эшиттим, ўгирма сен хам хеч юзинг.

Сўзингу каломинг бегумон, эй дўст,

Ва лекин аслида бу ёлгон, эй дўст.

Улусга наф бергай хар тирик одам,

Тирик тутиб отин, алкагай эл хам.

Тирикликтан, айтгил, не мурод-максуд,

Киши топмаса гар бирон фойда-суд.

Хотин олгай, күргай ўгил-киз катор,

Бефарзандлик, ахир, хар эр учун ор.

Нөлар дер эшитгил, пухта хар иши,

Ўгил-кизи билан бархаёт киши:

Бефарзанд сүнгги он бўлар пушаймон,

Дегай: ўгил-кизсиз бўлма, эй инсон!

Отадан колса гар ўгил ва кизи,

То абад бархаёт, ўчмас хеч изи.

Бефарзанд бандада мангу от бўлмас,

Бадар кетса, ўрнин босар зот бўлмас.

Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

Ўзгурмиш мардона деди: Сўзинг хак,

Яна бир фикр бор вале мухаккак.

Окил ўгил-кизинг, шубхасиз, баҳтинг,

То рўзи киёмат сарбаланд тахтинг.

Агар ношуд чикса, ерга каратар,

Ўзинг ўлсанг, тезда сени унutar.

Бошингга ёгдирап ганим каргишин,

Сўкар ёт-бегона, боз кайраб тишин.

Кай ўгил-киз ганим, минг бир миннати,

Ганимсиз хаётнинг юксак киммати.

Ёгийдан нэ янглиг ёруглик чикар,

Ёгий номи хам зарб, юрагинг сикар.

Таълим берар хикмат-панди шарофат:

Үгил-киз дардидай йүк асло офат.

Далолат бунга хам дошишманд сүзи,

Назар солсанг, түгри сүзлаган ўзи:

Болам деб захматинг зиёда, эсиз,

Захматинг кадрлар кайда үгил-киз?

Сабил колар харом-хариш йикканинг,

Сен - забун, муродга етар у харгиз.

Денгизчи мисоли хотин олган зот,

Кема денгиз ичра сузиб борар бот.

Ўгил-киз тугилса, кема гарк бўлар,

Кема синса, сувда ким тирик колар?

Отасин кадрлаш - ўгил-киз иши,

Ўгил-киз отасин огу емиши.

Үгил-киз отадан ёкейин яйрамас,

Отаси-онасин отин атамас.

Оила бу янглиг киларми вафо?

Килиги ёвузу килмиши жафо.

Үгил-киз отаси минг захмат күрар,

Минг бир захмат юкин филдай күтарар.

Дўсту биродар хам дединг тутунгин,

Соз бу хам, захматин лекин тушунгин.

Гоят аъло айтмиш донишманд жўмард:

Киши кўнгли гулдай, эхтиётлаш шарт.

Кўнгил нозик жуда мисоли шиша,

Баногоҳ синмасин, асра хамиша.

Агар асрамасанг шам каби сўнар,

Иссикда эрир тез, совукда тўнар.

Дўстинг кўнгли колса, пинхона ёв у,

Жонинг учун ганим офат-олов у.

Ганим боис хар зот рохатдан жудо,

Ганим килмишидан асрагай Худо.

Кичик бүлса хам ёв чорасин килгин,

Кичик дема, гоят катта деб билгин.

Фил учун чивин хам душман беомон,

Гангитар филни хам чаккани замон.

Нелар дер эшитгил, ёви бор киши,

Бошин окартирган ганим ташвиши:

Кичик душманим деб алданма узун,

Нечун кўркайин деб кувонма фузун.

Ёвинг бўлса агар гофил бўлма хеч,

Ёгийга ёгий бўл, мавзунга мавзун.

Ўгдуулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Ўзгурмиш жавобан аста жуфтлаб лаб,

Деди: Сўзим эшит, дилга ол жойлаб.

Яратди Худо бу жахонни билиб,

Обу ош хам берди халол-пок килиб.

Яхши дүстүр ёрга күшилса киши,

Дүстүр ёри каби яхши хар иши.

Киши нафи бүлса кишига күшил,

Кишига фойдани киши нафи бил.

Якка-ёлгиз юрар эл-юорт носози,

Кишига наф бермас, эй улус сози.

Улусга нафи йўқ ўсал чалажон,

Эл-юртга наф келтир, эй дўст, хар качон!

Кўпайса хар киши дўсту кўлдоши,

Жо-бажо хар иши, сарбаланд боши.

Оlam багрида хам етар тилакка,

Охират истаса, кувват билакка.

Аlam чексанг, фидо айлар ўзини,

Севинсанг, ёритар яйраб кўзини.

Фазилатинг ошкор айлаб оширап,

Барча нуксонинг хар кўздан яширап.

Уруш-жанг азоби хар билак-белга,

Фазилат-нуксонинг фош этар элга.

То жанг бўлмай хар бир жўмард мардлиги,

Билинмас шавкату наслин фардлиги.

Кай зот фазилати бўлса гар бисёр,

Не ажаб, орттирса минг ганим-агёр.

Холис хислатлари кимнинг зиёда,

Ганим-ёв жамики отли-пиёда.

Холис зот ганими бисёр хар ерда,

Ёвузга ёгий йўк, ёвуз эр - мурда.

Ганими зиёда зотга, назар кил,

Барчадан фазлиниң ортиклигин бил.

Ёгий билан жангда эр ном козонар,

Ёвсиз киши оти чўзилиб ётар.

Нэлар дер, эшиг, мард, шижоатли эр,

Шижоатли хар эр омади ёр шер:

Нечун эр бүлар, айт, минг эр душмани,

Шаънига айтса хам бүхтон бемаъни?

Бүри кайрилиб хам карамас итга,

Чикора минг бир ит минг бор хургани.

Зарарим хеч кимга йүк дединг ёлгиз,

Бехуда очмасман дединг хеч огиз.

Киши бўлмагач, бас, ким тинглар сўзинг,

Кишилар багрида бўлмасанг ўзинг!

Асил марду майдон элу юрт аро,

Олий маком бўлса, килмай можаро.

Дагал сўзга майнин жавоби дилсўз,

Дагал сўзласалар, ширин айтса сўз.

Улусга хамдард бор окилу хаким,

Жафо килсалар хам вафо килса жим.

Унутса кин-нафрат, ўчнинг губорин,

Тилида сўзласа дилида борин.

Нелар дер, эшитгин, инсон инсони,

Комил аъмол билан сарбаланд шони:

Офат азал кўнгил нихол-нахлига,

Дагал сўзлама хеч одам ахлига.

Алка сўкса сени кай зот марази,

Тубан у, бўлгин сен улус сараси.

Жафо килганга хам кил факат вафо,

Вафо жўмард килар, номардлар - жафо.

Ўгирса сендан юз якин дўсту ёр,

Улардан сен зинхор кечма, эй хушёр.

Агар зулм килса сенга кай золим,

Кечиргил, шундай дер ахли дин, олим.

Жория, кулга хам багринг кенг килиб,

Рози кил барчасин ўз кадринг билиб.

Жүмард ахли мардлик йүригин тутиб,

Юрап сабр билан ўлимин кутиб.

Ёлгизлийк домида хилватда фузун,

Нэ давлат топарсан, эй фазли афзун?

Рохат, орзу, неъмат бегона мубхам,

Кумуш, гавхар, олтин, топмадинг мис хам.

Сарой, каср, ер-сув кирмас тушингга,

Үгил-киз, от, зийнат ёкмас хушингга.

Хотамдай күлинг хам очик эмас хеч,

Кошки күзинг очсанг эртами ё кеч.

Йүкөтдинг бор будинг, кисматинг тахир,

Кай телба зохид деб атади ахир?

Каноатли күпдан кечиб озига,

Зохидлик килолса, яхши ўзига.

Улус армонига зохид етишар,

Бардош билан факат бу нөъмат пишар.

Багрида бўлса хам гар минг бир орзу,

Кечар барчасидан жўмардларча у.

Едирса, ичирса, гарибни кўллаб,

Худога сигинса, муножот йўллаб.

Дунё кулиб бокса, кўнгил кўймаса,

Юзин ўгирса хам гамга йўймаса.

Худо ёр, кадамда минг омад кутса,

Ўзини тилда хам, дилда бир тутса.

Бу сўзим исботлар хак калом накши,

Эшит хам амал кил, эй феъли яхши:

Жўмард ахли бошлаб ишин астойдил,

Гайрат билан килгай хар ишин дадил.

Атагин сен уни мард ичра жўмард,

Етиб минг орзуга бўлса соф, одил!

Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

Ўзгурмиш безгандай деди: Айт менга,

Каминадан асли не керак сенга?

Огиз очганим он бўларсан сўзим,

Жавобин киларсан тўхтатиб ўзим.

Очигин айт менга, килма овора,

Хар не истасанг хам сўра ошкора.

Ўгдулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Ўгдулмиш салмоклаб деди: Мен ўзим

Умид билан келдим, айтсам хак сўзим.

Шоханшоҳ Кунтугри эшитди сени,

Хузурига чорлаб юборди мени.

Гоят орзулади сени кўришни,

Буюрди кошига олиб боришни.

Оғир бўлса хамки тез бориш керак,

Султонга етишиб, бир кўриш керак.

Подшо гоят ээгу хон-султон ахир,

Улусга жонкуяр, мөхрибон ахир.

Хокон юзин күрган зот кутлуг бүлар,

Голиб каби күйни-күнжи хам түлар.

Нөлар дер, эшигил, элу юрт хони,

Беназир каломи минг дард дармони:

Адолатли, түгри бек аъло тийнат,

Кути билан берар барчага зийнат.

Каёнда янграса одил бек оти,

Топар баҳт кошига борган эр зоти.

Асосу негизи адлу адолат,

Адолатсиз ерда кўпар разолат.

Адолатли шохлар бўлмаса, хамон

Вайрон айлар эди фалакни Рахмон.

Азиз - одил шохга ким хамдам бўлар,

Муродига етиб, айби ювилар.

Биларсан, бу кун мен бўлганим одам,

Саодатим топдим шох билан хамдам.

Худо берди, шукр, тафаккур-билим,

Эзгулик бобида забардаст кўлим.

Эзгу ишлар сари Худо очди йўл,

Улус юки енгил, наф хам топди мўл.

Сени хам чорлагай кошига Хокон,

Хамжихатлик билан минг мушкул осон.

“Ола кел!” деб жадал юборди сенга,

Раво кўрма ёлгиз жўнашни менга.

Мактуб хам йўллади самимий тўкиб,

Нелар битган, аё, ўзинг кўр ўкиб.

Мактубни чикариб хам узатди аста,

Ўзгурмиш авайлаб олди ораста.

Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга саволи

Узок ўкиб, толди хаёлга узун,

Аъло таълим, деди сўнг султон сўзин.

Хузурига чорлаб мени шох кабир,

Барча эзгуликни атамиш бир-бир.

Багоят мураккаб иш бу мен учун,

Насихат бер, нелар килай, инчунун?

Ўгдулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Ўгдулмиш жавобан деди: Шоханшох,

Сени сўзлар сира тинмай, бўл огоҳ.

Тилидан эрта-кеч бир отинг чикар,

Йўлингга эрта-кеч интизор бокар.

Кимни севса шайдо кўнгил орзулааб,

Отин тилдан кўймас сўзга сўз улаб.

Биларсан ошиги содик недан шод:

“Ёр жамоли билан зор кўнглим обод!”

Кўнгил кимни севса, кўрар кўзда ёр,

Висоли айлар маст, учар юзда ёр.

Кўнгилда не бўлса гар тилак-орзу,

Такаллум килса, бор калом-сўзда ёр!

Ўзгурмишнинг Ўгдулмишга жавоби

Ўзгурмиш охиста дер: Айла баён,

Бирон-бир чорасин килгайсан аён.

Гамхүр кариндошим ўзингсан якин,

Насихат кил, ўта кардошли克 хакин.

Бу ишда сүрайман сендан маслахат,

Минг мушкул хам осон бўлсак хамжихат.

Кардошсан истасанг бўл жўра хам дўст,

Биродар, кариндош мисли магиз-пўст.

Мехрибон факат сен бу кун чин менга,

Не десанг киларман, ишондим сенга.

Үгдүлмийшнинг Үзгурмишга жавоби

Үгдүлмийш самимий айтди: Бундай сүз

Мэндан сүрамагин зинхор, кора күз!

Мени килди султон бир элчи сенга,

Равоми кенгашиш сен билан менга.

Борайллик, демакдан ўзга йўқ сўзим,

Кай асно айтарман борма деб ўзим.

Бирга бүлсак бизлар фойдаси бисёр,

Үз нафинг күзлама дер аклим такрор.

Нелар дер, эшигил, билимли чигил [\[1\]](#),

Билимсиз, эшиг сен, бүйин бөр, эгил:

Үз нафин тилар ким, маслахат солма,

Нафи йүк сенга хеч бехуда толма.

Холис киши билан кенгаш, эй кардош,

Токи күзламагай үз нафин хар бош.

Үз нафин күзлаган үз нафи учун,

Нафин күзлаб ишга солар бор кучин.

Хар битта юмушни көнгөшиш керак,

Агар күнгил чопса, киришиш керак.

Үзингга мөхрибон факат сен үзинг,

Хар кимдан сүрама, ортик хар сүзинг.

Билиб кил ишиңгни, ўтингчим сендан,

Бу ишда маслахат тилама мендан.

Умид билан келдим юриб канча йўл,

Маслахатим бирга юргин бериб кўл.

Улус багридаги хар эзгу аъмол,

Топилмас бу жойдан гар айтсам халол.

Шахар-кишлок ичра рўшнолик тайин,

Аник сўзлаб бердим сенга атайин.

Биларсан, хар сўзни дилдан сўзладим,

Худойимга аён, нафинг кўзладим.

Улусдан кочарми хеч окил киши?

Улусга күшил, бу - кишилар иши.

Корига яра, кил мүминлар ишин,

Худо жаннат ичра килгай хамнишин.

Тилу дилинг түгри, тоат кил хамон,

Каёнда истасанг, яша беармон.

Хар кимга тош отмай, кадрингни билиб,

Ёлгиз яшамагин элдан айрилиб.

Гоят бунга монанд бу байт, эй окил,

Үкигин, хар ишда мудом амал кил:

Каёнда юрсанг хам созу яхши бўл,

Азилзода дема, яхшига тут кўл.

Окил равон йўлдан чикмагай сира,

Юрап рохинг бўлсин факат тўгри йўл.

Хар ким яхшиликни килса ихтиёр,

Хамиша хар жойда бўлар баҳтиёр.

Яхши хамма жойда хам яхши бўлар,

Саодат ёр, кўйни-кўнжи хам тўлар.

Феълинг аъло айла, бадбин бўлмагил,

Каёнда юрсанг хам сира кўркмагил.

[1] Чигил – туркий халклар оиласига мансуб кабилалардан бири, шу кабилага мансуб шахс.